

**КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК
КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ташмухамедов Маъруф Муратович

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистратура босқичи
талабаси*

Аннотация

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг амладаги ҳолати, Ўзмилийбанк кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини таҳлил қилиш ҳамда хориж тажрибаси билан танишиб чиқилган. Зеро, кичик бизнеснинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни беқиёс саналади. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали бевосита аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Калит сўзлар

Кичик тадбиркорлик, давлат кафолати, овердрафт, факторинг, револьвер, кредит rischi, скоринг

Аннотация

В данной научной статье рассматривается текущее состояние кредитования малого бизнеса в Узбекистане, анализируется практика кредитования малого бизнеса Национальным банком Узбекистана и проводится ознакомление с зарубежным опытом. Поскольку роль малого бизнеса в экономике страны несравнима, предоставление ему финансовой поддержки позволяет напрямую повысить благосостояние населения и обеспечить экономическую стабильность страны.

Ключевые слова

Малый бизнес, государственная гарантия, овердрафт, факторинг, возобновляемая кредитная линия, кредитный риск, скоринг

Кириш

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш механизмларини ривожлантириш, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда, молиявий ресурсларни оқилона тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишда, ижтимоий гуруҳлар даромадларининг номутаносиблигини камайтиришда, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро

алоқаларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур”-лигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Чунончи, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бу соҳага молиявий кўмак бериш ҳамда ушбу ёрдамни ривожланган, замонавий банк тизими орқали фоиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитларни ишлаб чиқариш корхоналарига ажратиш йўли билан амалга ошириш имкониятларига, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом-ашё ва материалларни сотиб олишда ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес соҳаси субъектларини кредитлаш ҳажмини 1,2 баробар ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, республикада кичик бизнес субъектларини ривожлантиришда банк кредитларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш муҳим долзарблик касб этади”[1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини тадқиқ этишнинг илмий, назарий асослари ва усуллари Т.С.Савичева [2], Н.Б.Завьялова, О.В.Сагинова, Р.Р.Сидорчук, И.И.Скоробогатых [3], П.А.Акопян, А.С.Маляров [4], Н.М.Гиблова [5] сингари хорижий олимлар тадқиқотларида кенг ёритилган. Республикада бозор иқтисодиёти ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, минтақавий ва тармоқ муаммолари бир қатор республикада олимларининг илмий ишларида кенг ёритилган. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ва бевосита кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тадқиқотлар олиб борган бошқа бир таниқли олимлар эса, ўз илмий ишларида иқтисодиётнинг минтақавий, тармоқ, инфратузилма объектларини моделлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этишган.

Тадқиқот методологияси


Тадқиқот методологиясини танлашда унинг тўғри танланганлиги жуда муҳимдир, чунки тадқиқот методологияси ҳар қандай тадқиқотда доимо асосий ўринни эгаллайди. Нотўғри танланган тадқиқот методологияси бутун ишга зарар этказиши ва тадқиқот жараёнини секинлаштириши мумкин.

Методологияни танлашда биз учта асосий жиҳатга амал қиламиз: тадқиқотимиз учун энг оқилона танлов нима, маълумотларни тўшлашда қандай усуллардан фойдаланмоқчимиз ва қандай амалий саволларга жавоб топишимиз керак. Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда эмпирик ва назарий даражадаги усуллардан, яъни индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, кузатув усулларидан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар

Давлатнинг кичик бизнесга нисбатан молиявий сиёсатининг асосий мақсади кредит бозорида салбий ҳолатларни йўқотиш, унинг молиявий барқарорлигидаги камчиликларни молиялаштириш, шунингдек, кичик корхоналарнинг ички салоҳиятини ривожлантиришга имкон берадиган ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган сифатли дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилган. Агарда давлат томонидан кичик бизнесни ривожлантириш ва қўллаб – қувватлашга қаратилган аниқ сиёсат амалга оширилмаса бундай масъулиятли вазифани ҳеч бир жамғарма амалга ошира олмайди [6].


Бугунги кунда АҚШ бизнесининг 99.9 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳисобланиб, 2025 йилда уларнинг умумий сони 32,7 миллион тани ташкил қилди. Ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган кичик бизнесни ривожлантиришни тартибга солиш шаклларида нусха олишга катта қизиқишлар учраб туради. Бироқ, таҳлиллارнинг кўрсатишича, мамлакатимиз ҳудудларида қўлланиладиган, бундай механик равишда амалга ошириладиган хорижий тажрибалар, кўпинча бу соҳани ривожлантиришга ёрдам бермасдан, балки унинг ҳақиқий хусусиятларининг деформацияланишига ва тадбиркорликнинг илғор шаклларининг заифлашувига олиб келмоқда. Ўзбекистонда мавжуд бўлган шарт – шароитларнинг ўзига хослиги, ишлаб чиқариш тузилмасининг жорий аҳволи, уларни ўзгартиришга етарли даражада катта харажатларни талаб қилади.



1-расм. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган КБХТ субъектлари сони, минг бирлик [8]

2025 йил 31 декабрь куни ҳолатига Ўзбекистон ҳудудида фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони 358,1 мингни ташкил этган. Бу 2020 йилнинг мазкур ҳолатига нисбатан қарийб 1,5 баробарга камайганлигини англатади. Шу билан биргаликда ҳар минг кишига ҳисоблаганда уларнинг сони 2023 йилда 13,2 бирликни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилда 15,6 бирликка етган.

Биргина 2025 йилнинг ўзида жами 93,2 мингта янги кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 фоизга кўп демакдир. Янги ташкил этилган корхоналарнинг 37,7 фоизи савдо соҳаси, 19,9 фоизи саноат, 16,1 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳамда 6,4 фоизи қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда (2-расм).



2-расм. Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг соҳалар кесимида тақсимооти, фоизда [8]

2025 йилда КБХТ нинг республика ялпи ички масулотидаги (ЯИМ) улуши 53,9 фоизни ташкил этган. Мамлакатимиз бўйича 2025 йилнинг статистик маълумотларига кўра КБХТ нинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши катта бўлиб, юқоридаги айтилган фикрларни тасдиқлайди (1-жадвал).

1-жадвал

2024-2025 йилларда йилда КБХТнинг иқтисодий фаолият турларидаги улуши, % да [8]

№	Иқтисодий фаолият турлари	2024	2025
1.	1 Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	54,2	53,9
2.	Саноат	25,8	27,5
3.	Қишлоқ хўжалиги	97,9	97,0
4.	Инвестициялар	44,3	49,7
5.	Қурилиш	75,8	72,4
6.	Савдо	83,7	82,2
7.	Хизматлар	53,2	51,5
8.	Юк ташиш	54,4	52,4
9.	Юк айланмаси	76,5	76,2
10.	Пассажирларни ташиш айланмаси	90,4	93,9
11.	Бандлик		78,3
12.	Экспорт	27,0	20,5
13.	Импорт	61,6	51,8

КБХТ нинг энг юқори улуши иқтисодий фаолият турларининг, қишлоқ хўжалигига -97,0 %, пассажирларни ташиш айланмаси - 90,4 %, савдо - 82,2, юк айланишига - 76,2 % тўғри келади. Аҳолини иш билан таъминлашда ҳам КБХТ муҳим ўрин тутади. Меҳнат ресурсларининг 78,3 фоизи шу соҳада иш билан банд.

Мамлакатимиз ЯИМининг асосий компонентлари бўлган саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг улуши 27,5 % га, хизматлар соҳасида 51,5 %, қурилишда 72,4 % ва экспортда 20,5 % ни ташкил этган.

2025 йилда ҳудудлар кесимида КБХТ нинг саноат, экспорт ва импортдаги улушини қараймиз (2-жадвал).

2-жадвал

КБХТ нинг соҳалар бўйича улуши 2025 йил, % да [8]


Ҳудудлар	Экспорт	Импорт	Саноат
Ўзбекистон Республикаси	20,5	51,8	27,5
Қорақалпоғистон Республикаси	21,7	71,1	23,9
Вилоятлар:			
Андижон	43,3	12,9	20,0
Бухоро	43,4	46,7	34,8
Жиззах	61,6	93,4	64,2

Худудлар	Экспорт	Импорт	Саноат
Қашқадарё	56,3	52,1	34,7
Навоий	11,8	35,1	6,6
Наманган	51,7	76,3	50,0
Самарқанд	57,3	45,9	45,5
Сурхондарё	63,9	92,9	47,3
Сирдарё	80,8	71,1	37,3
Тошкент	27,8	45,8	20,8
Фарғона	57,4	73,8	45,9
Хоразм	70,0	71,1	29,5
Тошкент ш.	19,7	53,8	38,7

Саноат ишлаб чиқаришда КБХТ нинг юқори улушини Жиззах (64,2 %), Наманган (50,0 %) ва Сурхондарё (47,3 %) вилоятларида кўришимиз мумкин. Бу вилоятларда йирик саноат корхоналари, нисбатан, паст ривожланганидан далолат беради. Маълумки, ривожланган давлатларда кичик бизнес сони кўп бўлишига қарамай, йирик фирмаларга саноат ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми тўғри келади, яъни 63 % и. Ушбу кўрсаткич паст бўлган худудларга Навоий (6,6 %), Андижон (20,0 %) ва Тошкент (20,8 %) вилоятларини киритиш мумкин. Бу вилоятларда йирик корхоналарнинг ўрни юқори эканлигини билдиради. Қолган вилоятларда ҳам, саноат ишлаб чиқаришда йирик корхоналарнинг ўрни нисбатан, юқорилигини кўрамыз.

Самарқанд вилоятида КБХТ нинг саноат ишлаб чиқаришдаги улуши 45,5 % га тенг бўлиб, бу ерда ҳам асосий ўринни КБХТ эгаллайди.

Тадбиркорлик субъектларининг бизнес ташаббуслари қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва қўшимча даромад олиш имкониятлари кенгайтиришда банкларнинг ўрни ва ролига катта аҳамият берилмоқда.



3-расм. 2021-2025 йилларда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар ҳажми, млрд. сўм [7]

Хусусан, 2025 йилда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги 909 мингдан ортиқ лойиҳаларга тижорат банклари томонидан жами 131 трлн сўм миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди. 2021-2025 йилда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми кескин ўсиб борган. Бу ўсиш қарийб 2,5 баробарни ташкил этган. Энг катта ўсиш суръати 2024-2025 йил оралиғида кузатишга бўлиб, 2024 йилда ажратилган кредит суммаси 92,4 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 131 трлн. сўмдан ортган.

Мазкур ажратилган кредитларнинг қарийб 32 фоиз қисми саноат тармоғига йўналтирилганлигини кўришимиз мумкин (4-расм).



4-расм. 2025 йилда кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг соҳалар кесимидаги тақсимооти [8]

Шунингдек, 2025 йил давомида тижорат банклари тарафидан қишлоқ хўжалиги, қурилиш, аҳоли тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Умумий ажратилган кредитларнинг 22,2 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 11,7 фоизи транспорт ва коммуникация тармоғи, 12 фоиз қисми аҳоли тадбиркорлиги йўналиши, 11,3 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда – дастурлар) доирасида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва қўшимча даромад манбаларини шакллантириш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги 7 йилда жами 50 трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиб, 2,3 миллионга яқин аҳолининг даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди.

2024-йилда дастурлар амалга оширилиши давом эттирилиб, асосий эътибор, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилишга қаратилди ва ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида 372 мингдан ортиқ лойиҳаларга жами 6,8 трлн сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Ушбу имтиёзли кредитлар ҳисобидан, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган 150 мингдан ортиқ лойиҳаларига 2,7 трлн сўмлик ва хотин-қизларнинг 203 мингдан ортиқ лойиҳаларига 3,2 трлн сўмлик кредитлар ажратилди.

Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг 495 млрд сўми (7%) юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, 6,3 трлн сўми (93%) ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, 2024-йилда ажратилган кредитларнинг 3,6 трлн сўми қишлоқ хўжалиги (шундан, чорвачилик 1,5 трлн сўм, иссиқхона ташкил этиш учун 567 млрд сўм, мева-сабзавот ва боғдорчилик учун 518 млрд сўм), 1,9 трлн сўми хизмат кўрсатиш, 838 млрд сўми хунармандчилик йўналиши учун ҳамда 433 млрд сўми ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга йўналтирилган.

Кредит ажратиш билан боғлиқ барча жараёнлар тўлиқ рақамлашган ҳолда (Oilakredit.uz) ягона электрон платформа орқали амалга оширилмоқда, хусусан, кредит учун ариза бериш, скоринг, ҳужжатларни расмийлаштириш, махсулот буюртмаси ва мониторинг жараёнлари автоматлашган ҳолда инсон омилисиз кўриб чиқилмоқда.

Ўз навбатида, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик

фаолиятини кенгайтириш ҳамда иш ўринлари яратишга йўналтирилган 300 млн сўмгача кредитлар ажратиш механизмлари жорий қилинди. Ушбу йўналиш доирасида 49 159 нафар тадбиркорлик субъектларининг 4,8 трлн сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Унга кўра, кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг узлуксизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида, 2018-2023-йилларда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредит олиб, ундан муваффақиятли фойдаланиб, ўз вақтида қайтарган 751 минг нафар мижозларни кичик ва ўрта бизнес даражасига олиб чиқиш бўйича манзилли рўйхат шакллантирилди.

Ушбу мижозларга 300 млн сўмгача микрокредитлар, шундан, 100 млн сўм гаровсиз қисми “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан, 200 млн сўмгача қисми банклар ва микромолия ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратиш тизими жорий қилинди. Натижада, ушбу қарор доирасида 10 минг нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига 3,1 трлн сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

16. Мурожаат (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетасининг 25 январь сони

17. Савичева Т.С. Технологии кредитования малого бизнеса микрофинансовыми организациями В сборнике: Проблемы экономики, организации и управления в России и мире Материалы VIII международной научно-практической конференции. Прага, Чешская республика, 2015. С. 203-205

18. Завьялова Н.Б., Сагинова О.В., Сидорчук Р.Р., Скоробогатых И.И. Уровень государственной поддержки малого бизнеса с точки зрения ее получателей. // «Маркетинг и маркетинговые исследования», 2013, № 2 (104). -С. 82-93.

19. Акопян П. А., Маляров А. С., Как кредитовать малый и средний бизнес: российско-итальянский проект // Банковское кредитование. – 2013. – №5. – С. 23-25.

20. Гиблова Н. М. Как помочь малому и среднему бизнесу? // Банковское кредитование – 2014. – № 3. – С. 15-18.

21. Кудратов, З.Г., Тошбоев, Б.Б., Бердиев, Г.И. Опыт поддержки малого и среднего бизнеса в некоторых развитых странах / З.Г. Кудратов, Б.Б. Тошбоев, Г.И. Бердиев // Молодой учёный. - 2015. - №1 (81). - С. 242-245.

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюлетени (2025)
23. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги Статистик тўшам (2025)